

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan
chiqa boshlagan

Ҳамкорлик доирасини кенгайтириш — долзарб масала

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 ноябрь куни Оксаройда Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Нахайни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юрти-мизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига кўп бўлгани йўқ, лекин халқларимизнинг алоқалари узоқ даврларга бориб тақалади, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон халқи араб дунёсига алоҳида эҳтиром билан қаради.

Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистоннинг Форс кўрфазини араб дунёсидан алоҳида эҳтиром билан қаради. Шу кўнларда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлди.

Бирлашган Араб Амирликларида ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилинган катта мамнуният билан қутиб олинди. Мазкур давлатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида» китоби араб тилида нашр этилган. Бу асқалар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва маънавий яқинлигини, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг ёрқин тасдиғидир.

Жорий йилнинг октябрь ойида Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) вице-президенти,

бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Ўзбекистонга келган эди. Ушбу ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари ўртасида Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бар-тароф қилиш, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки мамлакат ташқи сийosat маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашулар тўғрисидаги протокол им-золанди. БАА ички ишлар вазирининг таш-рифи мамлакатларимизнинг хавфсизлик со-ҳасидаги ҳамкорлиги ҳам ривожланиш йўли-дан бораётганини кўрсатади. Жамoатчилик-ни, айниқса, ёш авлодни турли ёт ғоя ва маф-куралардан ҳимоя қилишда, динни никоҳ қилиб олган ғараз ниятли кўчаларга қарши курашишда ҳамкорлиги қилиш икки мамлакат учун ҳам манфаатлидир.

Оксаройдаги учрашувда шайх Сайф бин Зоид Ол Нахайн самимий қабул учун Президенти-мизга миннатдорлик билдирди ва Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан бошқа йўналишлар каби хавфсизлик бoра-сидаги ҳамкорлигини ҳам янада ривожланти-риш тарафдори эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш органлари ўртасидаги муносабатларни мустақамлашга, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка оид ва томонларни қизқитириган бошқа масалалар юзасидан ат-рофича фикр алмашилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб- қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет-ида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳти-ёжлари учун қишлоқ хўжали-ги маҳсулотлари етиштирув-чи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ак-ратилиши назарда тутил-син.

2. Ўзбекистон Республика-си Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, кар-тография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан бир-галда икки ой муддатда ку-йидагиларни назарда тутган ҳолда ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳти-ёжлари учун қишлоқ хўжали-ги маҳсулотлари етиштирув-

чи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида Низом ишлаб чиқсин ва тас-диқлаш учун Вазирлар Маҳ-камасига киритсин:

ҳосилдорлиги паст бўлган ерларни белгилашнинг аниқ мезонлари ва механизми; ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсу-лотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қув-ватлаш тартиби;

акратиладиган маблағлар-дан мақсадли фойдаланиш ус-тидан амалий назорат тизими.

3. 2008 йилнинг 1 январи-дан бошлаб фермер хўжали-

ларига қишлоқ хўжалиги тех-никасини имтиёзли асосда ли-зингга бериш муддати 7 йил-дан 10 йилгача узайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республика-си Адлия вазирлиги манфаат-дор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари билан бир-галда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкам-асига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижро-сини назорат қилиш Ўзбекис-тон Республикаси Бош вази-ри Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон 1991-2007 йилларда

**Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг
улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса
18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошди**

Китоблик Мавжуда Сатторо-ва оила аъзолари билан "Се-винг" хусусий савдо ишлаб чи-қариш фирмасини ташкил эт-ган эди. Яқинда фирма янги қурилган икки қаватли замо-навий "Тошкент минимаркет"-ни ишга туширди.

Мазкур фирмада асосан нон маҳсулотлари, пишириқ-лар, ширинликлар тайёрлана-ди. Бу ерда қисқа вақт ичида йигирмадан ортиқ ишчи ўрни яратилди. Жамoa аъзолари-нинг ўн икки нафари касана-чи — уйда фирма учун ширин-ликлар пиширади.

Янги "Тошкент минимар-кет" савдо маркази биносида пишириқлар ва нон маҳсулот-лари ишлаб чиқарадиган ми-ниқеҳ ишга туширилди.

СУРАТДА: сотувчи Музаф-фар Эшбобоев (ўртада) ва пишириқ тайёрловчилар.

Шомурод ШАРОПОВ
(ЎзА) олган суратлар.

Қашқадарь вилояти



"Конимех Руно" ёрлиғи билан

Бугун Конимех туманида мустақиллик туфайли қўллаб ишлаб чиқариш субъектлари фаолият кўрсата бошлади. Уларнинг асосий қисми чет эллик ҳам-корлар билан биргаликда ташкил этил-ган қўшма корхоналардир.

Тумандаги "Конимех Руно" Ўзбекистон—Тожикистон қўшма корхонасига борганимизда янги давр нафасини дилдан ҳис этдик. Корхона чекларидан сарҳод фотобдида қорайган, чўл шамолига чайирдек тобланган йигит-қизлар турли дастгоҳларни бошқарди. Бир томон-дан қўй жунини йигирадиган, бошқасида туя жунини тазолави чекларда ишлаётган ёшлар-нинг аксарияти яқинда касб-хунар коллежла-рини тугатиб келишибди. Усталар уларга даст-гоҳларни бошқариш бoрoбаридa сифатли мах-сулот тайёрлаш сирларини ҳам ўргатишибди.

Истиклолимиз туфайли қад ростлаган ушбу қўшма корхонада бир йилда 250 тонна жунни йигириб, калава тайёрлаш имкони бoр. Туман-да бу хом ашё сероб.

— Авваллари биздан жунни узoқларга олиб кетиб, гилам газламалар ва улардан турли кийимлар тайёрлаётганларга хавас қилардик, — дейди мазкур корхона бош муҳандиси Ал-мат Қўлатов.

"Конимех Руно"нинг ташкил этилишига ана шу хаваслар туфайли эришилди. Бу оson кеч-магани рост. Тожикистонлик ҳамкорлар то-

монидан турли дастгоҳларнинг келтириб ўрна-тилиши ишни анча олдинга силжитди. Ҳозир-ги пайтда хом ашёни ювиш, турли дағил-лардан тозалаш, қуритиш ҳамда бўяш чекла-рида ишлайдиган малакали мутахассислари тайёрлаш ўз самарасини бера бошлади. Энди бу ёрнинг калава илгарига сибирликлар та-лабгор бўлишмоқда.

— "Велан" корхонасида жун калавалардан тўкилган кўрпа-тушаклар иссиқ ва даволовчи ху-сусиятга эга эканлиги ҳаммага овоза бўлиб кет-ган, яна битта фикр туғилди, — дея давом этади Алмат оға. — Узимизда сероб маҳсулотдан валенка этиклари тайёрлаш имкониятлари-ни қидирдик. Хом ашё бўлган, яна нимани қутиш керак?

Бу борада сибирлик дўстларимизнинг так-лифларини амалга оширишимиз учун ҳали анча-мунча ишларни бажаришимиз лoзим. Биринчи галда тoзалoгaн иссиқ сув, буғ даст-гоҳларини ишга туширишимиз лoзим.

Утган йили 20 миллион сўм сoрoмадага эришган бу корхонанинг 2007 йили ҳам сар-моysi ортиси тайин. Ишчиларнинг маоши эса шаҳардаги корхоналарикидан қолишмайди. "Ко-нимех Руно" таъсисчиларининг бизнес-режа-ларига кўра кейинги йилларда ушбу корхона-нинг йирик саноат марказига айланишига шубҳа йўқ.

Бахриддин САДРИДДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 6 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	1182,82	1 Канада доллари	1346,82	1 Швейцария франки	1104,21
1 Англия фунт стерлинги	2651,08	1 Хитой юани	171,71	1 ЕВРО	1849,85
1 Дания кронаси	248,25	1 Малайзия ринггити	383,82	10 Жанубий Корея вон	14,16
1 БАА дирҳами	349,09	1 Польша злотийси	509,89	10 Япония иенаси	111,77
1 АКШ доллари	1281,77	1 СДР	2011,74	1 Россия рубли	51,87
1 Миср фунти	232,82	1 Туркия лираси	1086,06	1 Украина гривнаси	253,82

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОБУНА — 2008

"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақо-лалар, фалсафий фикрлар билан йўғрилган бадиий асарлар-ни мутолаа қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газе-таларимизга обуна бўлишга шошилиң!

"Ўзбекистон почтаси", "Матбуот тарқатувчи" идора-лари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштириш-моқда. Таҳририятнинг ўзида ҳамда газетанинг Қорақал-поғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги мухбир-лари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталари-га бир йўла, 145-индекс бўйича эса "Ҳаёт" газетасининг ўзига обуна расмийлаштириляпти.

Диққат, танлов!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат асосий Қонунининг ўрганилиши жараёни мунтазам равишда ёритиб бoрилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу бoра-даги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил бoсма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари-ни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бoсма ҳамда интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида "Менинг Конституциям" танловини эълон қилади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— энг яхши таҳлилий материал (мақо-ла, очерк, репортаж);

— энг яхши интервью;

— энг яхши фоторепортаж.

Танлов шартлари

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берил-ган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилин-ган, мамлакатимизнинг турли ҳудудла-рида Асосий Қонуни ўрганиш бoраси-да амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаёт-ган муаммолар таҳлилий ва танқидий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилин-ган бoсма наشري аниқ кўрсатилган элек-трон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим

этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фа-милияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади:

Танловга тақдим этилган ижодий иш-лар бoсма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов маҳсус ташкил этилган "Менинг Конституциям" танлови-га" руқида танлов матбуотда эълон қилин-ган кўндан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Танловни ўтказиш тартиби

Танлов аънаваний бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуни ара-фасида эълон қилинади ва бир йил да-вом этади. Танлов ғолиблари Конститу-ция байрами арафасида аниқланиб тақ-дирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий иш-лар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муасс-салар вакилларида иборат нуфузли хайрат томонидан қўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг

долзарблиги, иш мазмунининг ижтимо-ий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хошлик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар
Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этил-ган диплом ва қийматбаҳо совғалар би-лан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўри-нишидаги маълумотлар "Менинг Консти-туциям" танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил бoсма оммавий ах-борот воситалари ва ахборот агентли-ларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлан-тириш жамоат фондига 2007 йил 1 де-кабрга қадар қуйидаги манзилга жўна-тилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-ўй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-15-96 www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpax.uz.

Ташкилий қўмита

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида
Ш.САНАЕВ тайёрлади.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Хумор аянинг юмушлари

Қарши туманидаги Кожар қишлоғида яшовчи Хумор аяни воҳода танимайдиганлар йўқ ҳисоби. Ёшлигидан ерга меҳр қўйган онахонни кўпинча далада учратасиз. Фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётган она 60 гектарда дончилик, яна шунча ерда эса пахтачилик билан шуғулланади. Бирон йил йўқми, давлат шартнома режасини ортиги билан уйдлашмаган бўлса,

Бу йил дондан юксак ҳирмон кўтардик, — дейди у. — Шартнома режаси 150 фоизга уйдланди. 90 тонна дон сотдик. 25 тоннаси уруғликдир. Пахтачиликда ҳам ҳосил чўғи баракали бўлди. Биринчи теримдаёқ қабул масканларига юз тонна пахта топширдик. Яна қўшимча 70 тонна ҳам ашё сотдик. Режадаги 33 центнер ўрнига 55 центнердан ҳирмон кўтарилди.

“Хумор” фермер хўжалиги аъзолари пахтачиликнинг ўзидан 20 миллион сўм соф даромад қўришмоқда.

— Кожар қишлоғида 10 минг аҳоли бор. Қишлоқ фуқаролар йиғинида хотин-қизлар Кенгашининг раисаси ҳам бўлиб ишлайман. Меҳнатнинг таги роҳат. Барчани аҳилликча ундайман. Шунинг учун бўлса керак, қишлоғимизда оилалар тинч. Ажралиш ёки мурося қилмайдиган хонадон йўқ. Барча масалани ижобий ҳал қиламиз, — деди у. — Бир мисол. Уч болали аёл қишлоқ фуқаролар йиғинига муҳожират атмасдан, фуқаролик судига борибди. Суҳбатлашдик. Арамаган гап билан битта оила бўлиб кетяпти. Суддан бу масалани ўзимизга қўйиб беришларини сўрадик ва фаоллар билан атрофчиқа ўрганиб чиқдик. Энди улар аҳил яшашмоқда.

Оиласи нотинч, гап-сўз чиққан хонадонларни далага чиқинлар, меҳнат қилсангиз кам бўлмайси, деб даъват қиламан. Ахир, уларнинг қўлинг меҳнатда бўлсин, деб бежиз айтишмаган-ку!

Ҳа, Хумор ая Бекмуродова ана шундай тиниб-тинчимас, элга бош, ишда етакчи жонқур аёллардан. Онахон турмуш ўртоғи, 85 ёшли Карим ота Бекмуродов билан 15 фарзандни оқ ювди, оқ таради.

— 66 ёшдан. Эл дарди, одамлар ташвиши билан яшаш доимо мадад беради, — дейди мамнун ҳолда онахон. — Томорқамизга 140 тул хурмо экканмиз. Утган йили уч тонна ҳосил олдик. Бу йил ҳам натижалар чакки бўлмайди, далада ҳам бог яратганмиз.

Фермерликнинг шарофати билан янги ўй қурдик. “Нексия” автомашинасини ҳам харид қилдик. Ўғлим Ортиқжонга янги иморат қўриб бердик. Тўйлар қилаймиш. Ёрдамга муҳтож, кам даромадли оилалар ҳам доим эътиборимизда. Лунда қилиб айтганда, олдин фермер хўжалиги моддий-техник негизини мустаҳкамлаб, сўнг оилавий муаммоларини ҳал қилдик. Мақсади-миз битта, эл тўқ бўлса, биз тўқмиз.

Хумор ая ҳақ гапни айтиди: эл ташвишини ўз ташвиши деб билган одам кам бўлмайди.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири

Қашқадарё вилояти

Қорақўл — Ўзбекистоннинг бебаҳо бойликларида бири. Унинг жаҳон бозоридаги ўрни, мустақил мамлакат иқтисодиётига қўшаётган салмоғи тобора ошиб бормоқда. Аждодларимиз пахтани Мисрдан, пиллани Хитойдан, зотли молларни Оврупа билан Амриқодан, оту-туя, паррандаларни яна бошқа сарҳадлардан келтирган бўлсалар, қорақўл қўйлари азалдан ўзбекларникидир.

Дунёнинг бошқа қитъалари яйловларида боқилаётган думбали қўй авлодларининг ватани ҳам аслида шу жаннатмакон дийёрдир. Искандар Зулқарнайини Қашмир гузали, Хитой чинниси, шунингдек, Жайхун-Сайхун оралиги яйловларида учратган қўзи териси хайратга солган экан. Яна бир эътироф: араб сайёҳи Ибн Хауқал бу жониворлар поёнсиз яйловларда ўсган тошдай қаттиқ хашакни еб, тилло туғайи, деб таърифлаган. Бу таърифда ҳеч қандай му-



Болага йўқ.

Аслида бу соҳа фақат машхур қорақўл тери эмас, балки жун, шунингдек, гўшт етиштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Унинг қамрови ва сарҳадлари жуда кенг. Сурхон ва Қашқа воҳалари, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қорақалпоғистон Республикасида ихтисослаштирилган хўжаликлар бўлиб, у ердаги аҳолининг асосий қисми шу касб билан шуғулланади.

Самарқанддаги Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг заҳматкаш, ўз соҳасининг билимдонлари бўлиб танилган олимлари бу соҳанинг даярили барча томонларини синчилаб ўрганмоқдалар. Уларнинг изланишлари туфайли янги ихтиролар юзага келди. Хусусан, қўйлар зотини, қорақўл терилар сифатини яхшилаш, чорва маҳсулдорлигини ошириш, яйловларнинг бойитиш, зооветеринария хизмати таъминлаштириш борасида, айниқса, катта ишлар қилинмоқда. Янги нав терилар — жумладан, сур қорақўл қўйларнинг “Сарибел” ва “Ўзбекистон”, қора рангдаги қовурғасимон қўйларнинг Авазқўл чўл заводи типлари яратилди. Хўжаликлар терининг ранги ва навиға

Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти:

САХРОНИНГ ҚОРА СТИРГУСИ

хорижликлар юртимиз яйловларида етиштирилган қорақўл териларни шундай деб таърифлашди

қараб ихтисослаштирилди. Яйловларда саксулдорлар, изендорлар барпо этилаётди. Қўйларнинг муайян севимлигини таъминлаб туришни шароитлар юзага келтирилди. Хуллас, қорақўлчилик қўп жихатдан илмий асосга қўйрилди.

Илмий-тадқиқот институти Каттақўрғон тажриба станцияси сифатида 1930 йилда ташкил топган бўлиб, 1935 йилда эса Ўзбекистон қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтига айлантирилган. Чўл шароитида соҳани илмий асосда ривожлантириш муаммоларини ечиш институт жамоаси зиммасига юклатилган. Айни кунда илм даргоҳида 80 киши фаолият кўрсатади, 48 нафар илмий ходим, 5 нафар фан доктори, 23 нафар фан номзодлари доимий изланишда. Улар қорақўлчиликнинг илмий асосда ривожланишига жуда катта ҳисса қўшиб келишмоқда. Қорақўл қўйлари селекцияси ва урчиштиш, қорақўлчилик маҳсулотларига ишлов бериш, биотехнология, озиклантириш ва асраш, яйловшунослик ҳамда чўлда озуқа етиштириш, кўп меҳнат талаб қилувчи иш жараёнларини механизациялаш бўйича самарали изланишлар олиб борилади.

Бу борада Россия, Қозғоғистон, Қирғизистондаги чорвачилик, озуқа етиштириш йўналишидаги илмий даргоҳлар Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, САМДУ ва Халқаро Иқарда ташкилоти билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари қўп келмоқда. Бундан ташқари, билим масканининг 18 нафар илмий ходимлари чет эл илмий марказларда малакаларини ошириб кайтишлар.

— Кейинги йилларда жамоамиз чўл-ййлов чорвачилиги — қорақўлчилик, туячилик, эчкичилик, яй-

ловшунослик бўйича 6 та амалий, битта Давлат фундаментал ва битта инновацион грантлар ғолиби сифатида самарали тадқиқотлар олиб бормоқда, — дейди институт директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Суръат Юсупов. — Мазкур тадқиқотларни олиб боришнинг грант тизимига

хофазалашга, ресурсларни тежашга хизмат қилувчи замонавий технологиялар ишлаб чиқилди.

Суҳбатдошимиз — Суръат Юсупов ҳамда қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари, доцент Адхам Газиев ва Омон Раҳимов, селекция, ветеринария фанлари доктори Эркин Атаевич, биотехнология,

— Мамлакатимиз раҳбарияти Истиқлолнинг дастлабки йилларида-ноқ қорақўлчиликни ривожлантириш, насличиликни тубдан яхшилашга доир бир қатор қарорлар қабул қилди. Терининг янги навлари яратилмоқда, унинг типлари бўйича давлат стандарти жорий этилди, — дейди институт дирек-



катта истиқболга эга бўлган тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Кўп меҳнат талаб қилувчи иш жараёнларини энгиллаштириш мақсадида соҳага қорақўл, жун маҳсулотларига ва тупроққа ишлов берувчи 5 та машина ва механизмлар жорий этилиб, 4 та патент билан ҳимояланди.

— Узоқ йиллардан бери шу институтнинг заҳматкаш олимлари билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Бунинг самараси ўлароқ, ширкатимизда қўйлар бош сони ошиб, маҳсулдорлик ортиб бормоқда. Буларда олимларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор, — дейди Қонимех туманидаги “Қизилқум” насличилик хўжалиги раиси Миктибой Утему-родов. — Бундан кейин ҳам ҳамкорликни давом эттирамиз.

Бундай самийий фикрларни Навоий вилоятидаги “Абай” насличилик хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қоравдор Мустафо Ғамақулов, “Сарибел” насличилик хўжалиги раҳбари Ўрмонбой Кукенов, “Қонимех” насличилик хўжалиги раиси Жондулла Бўкаевлар ҳам билдиришди.

Институт бош бухгалтери Зафар Аҳмедовнинг эътирофи этишча, истиқлол йилларида жамоа моддий томондан ўз қаддини тиклаб олди. Бунда, албатта, ҳукуматимизнинг амалий ёрдами катта бўлаёттир. Институт 58,7 миллион сўмлик грант-ни қўлга киритган. Бу маблағ асосан зотдор қорақўл қўйлари урчиштиш, селекция, саҳро экологияси, чўл ҳудудидида озуқа етиштириш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Жаннатмакон юртимиз қадим-қадимдан ўзининг етти климга донги кетган қорақўл териси билан машхур. Қўёш нурида ял-ял товланиб, қўзни қамаштирадиган бу маҳсулотнинг харидаори кўп. Бугунга келиб ана шу бойлиқни қўлайтириш, сифатли қорақўл ишлаб чиқариш борасида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ишга Самарқанддаги Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти жамоаси ҳам ўзининг муносиб улушини қўймоқда.

Улугбек ЖУМАЕВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Самарқанд вилояти

Ҳосил салмоғи — гектарига қирқ тонна
12 миллион сўмлик уруғлик 62 миллион сўм даромад келтирди

Икки-уч йил аввал Андижон бозорларида картошканинг ҳар килограмми минг сўмгача сотилганлиги ҳақиқат. Бу йил эса манзара тамомилан ўзгача. Баҳорги картошқа ҳар доимига нисбатан 15-20 кун аввал бозорга чиқарилади. Қўзга картошқа экиш ва парвариш қилиш қарийб тенгма-тенгга бўлади. Ноябрь ойининг бошида ҳосилни йилги-тириб олишга киришган фермерларнинг димоғлари чоғ. Бозорларда эса нарх-наво барқарор.

Жалақудук туманидаги “Башари-ят мулки” фермер хўжалигида Голландиядан келтирилган 6 тонна “Эльвира” нави картошқа парвариш қилинди. Фермер Жўрабой Уринбоев ерни экишга тайёрлашдан то ҳосилни йиғиб териб олишгача оралиқда агротехник тадбирларни тўлиқ бажариш ҳақиқатида бўлди. Ҳосилни йиғиштириб олишга киришиш арафасида назорат тартибидида ҳар жойдан 1 тул картошқа кавлаб қўрилди. Мутахассислар гектар ҳисобига камида 40 тоннадан картошқа ҳосили яратилганлигини таъкидлашди.

Жўрабой фермернинг ери салкам 57 гектар. Шундан 25 гектари галлазор эди. Режа бўйича 7 гектар майдонга такрорий экин экишга рухсат берилди. Шунда фермер ҳеч ик-



ниланмай “Пахта Банк”-нинг туман бўлимига му-рожаат қилиб кредит йўли билан уруғлик картошқа олиш учун буюрт-ма берди. Ортиқча рас-миятчиликка ҳожа-т бўлмади. Сабаби фер-мернинг ҳисобидида сотган галласининг пули анча эди. Уруғлик-ни даласига келтириб қўйган Жўра-бой фурсат келиши билан экишни амалга оширди.

Ҳосил техника ёрдамида қавлан-моқда. Йиғиштириб олинаётган ҳосил пешма-пеш ҳирмонга жойлан-моқда. 100 тонна атрофидаги ҳосил-ни сақлашга фермерда имконият йўқ ҳисоб. Далага таъминот идоралар-дан бирининг вакиллари келиб 50

КАРТОШКАЧИЛИК

пахтадан мўл ҳосил олиб, такрорий экин эвазига даромадга даромад қўшган фермерлар барча туманлар-да бор. Банкларнинг молиявий ма-дади билан 180 нафар фермер 304 гектар ерда картошқа етиштиришди. Қўрғонтепа туманидаги “Ҳолдор Йўлдашев”, “Ақбаршоҳ саховатла-ри”, Пахтабод туманидаги “Богбон”, Жалақудук туманидаги “Тоҳир му-ҳандис” фермер хўжаликларидида мўлжалдагидан зиёда истеъмолб-оп ва уруғлик картошқа яратилди. Ҳисоб-китобларга қараганда келгу-си йил ҳосили учун вилоятда 3 минг тонна уруғлик жамғарилади.

Картошқачилик қайтадан жонлана бошлади. Фермер билан бир қаторда деҳқон ва томоққа хўжаликларидида ҳам бу экиндан юқори ҳосил олиш кузати-моқда. Қиёс учун айтиш жоизки шах-сий хўжаликларда картошқа экилган майдонлар ҳам 300 гектардан зиёддир. Уруғчилик тизимининг яратилаётганли-ги, минерал ва маҳаллий ўғитдан фой-даланиш самарадорлиги эвазига кар-тошқачилик борасида қўтарилиш юз бераёттир. Бу эса пировард натижада давлат таъминоти ва аҳоли эҳтиёж-ларини тўла-тўқис таъминлаш имкони-ни беради.

Қобилжон АСҚАРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Андижон вилояти

Қарс икки қўлдан

Боёвтулик ҳамсухбатимиз сўзлаб берган воқеа қўпларга сабоқ бўлса керак. Шу ҳудудда жойлашган мактаб атрофидаги ташландиқ ер илгирги жамоаси ва ўқувчилар кучи билан мевали богга айлантирилганди, дея хикоя қилди у. Икки йил орали-ғида турли хилдаги сархил мева оғизга теккандан ташқари ортгани сотила бошланганди.

Дарахтлар қийос гулга бурканган кўнлар эди ўшанда. Хўжалик брига-дири иккита бўльдозерни олиб ке-либ, боғни буздирга бошлади. Қиш-лоқдаги қўлни кўрганлар бу иш учун уловга қоллишини бригадирга бот-бот уқитишди. Бирок у “тепанин бўл-ди” шундай дея ўз билганидан қол-мада ва боғ ўрнига пахта эктириб юборди.

Энди бу ёғини эшитинг. Йиллар ўтди. Қишлоқ аҳолиси сони ўсиши хисобига мактаб атрофидаги ўша ер ҳам ўй-жой қуриб олиш учун одам-ларга тарқатилди. Ховли-жой қурув-чилар орасида собиқ бригадир ҳам бор эди. Янги бўёнб етилган маҳал-ла ховлилари кўнлар ўтгани сайин кўркамлашди. Ёш оилалар уяли-жу-вали бўлишиб, ўзларидан қўнайи-шди. Бирок боғни бузган халиги ки-шининг ҳовлисида на бир дарахт қўқарди ва на ўзлари қўнайишди... Бу гап ростида ё ёлғондир — гап унда эмас. Гап бу ҳолатдан чиқадиган ҳу-лосада.

Инсоннинг табиатга бўлган муно-сабатидан бир шингил бу. Дунёда шунга ўхшаш воқеа-ҳодисалар жуда



ТАБИАТ ВА БИЗ

кўп. Масалан, она заминга ва азиз неъматларга нисбатан муроасасиз-ларча муносабатда бўлиниши оқиб-атида маъмулотларга қараганда ер юзидида ҳар кўни 1 миллиондан зиёд киши тоза ичимлик сувидан баҳра-манд бўлолмади. Ёки сув таъмино-ти емонлиги ва санитария ҳолатлари метёбдрагидан паст даражадалиги учун ҳам қўнига 42 минг киши юку-ли касалликлар туфайли ҳаётдан қўз юмаркан. Ёнг ачинарлиси, шунинг салкам тенг ярами болларини ташкил этаркан.

Қўриниб турибдики, она табиатга нисбатан бемеҳорлик қилиш ва бошқа ижтимоий масалалар туфайли ана шундай қўнгилисиз ҳодисаларнинг қайд этилаётгани ачинарлидир.

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қаторида атроф-муҳитни му-ҳофазалаш ва табиатни асрашга йўғирган бир қатор қўнлар қабул қилинди.

Кейинги пайтда вилоят ҳудудидида тупроқ таркибини яхшилаш ва шўрни йўқотиш соҳасида ҳам бир талай та-дбирлар ўтказилаёттир. Бу маҳсулот етиштириш жараёнида яққол қўзга ташланмоқда. Айтайлик, Сардоба ту-манида ўтган асрининг 90-йилларида гектаридан 12-15 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 24-28 центнерга, баъзи фермерларда эса 30-38 центнерга тўғри келяпти. Гулистон, Мирза-бод, Сайхунбод ва Ховос туманла-рида ҳам тупроқ таркиби яхшиланди.

Туманлар, маҳалла, қорхона ва ташкилотларда мунтазам ташкил эти-лаётган “Табиат ва биз”, “Она та-биати асрайлик”, “Тоза ҳаво”, “Сув ти-риклик манбаи”, “Обод маҳалла” каби мавзулардаги мутахассислар-нинг чиқишлари, қўриқ-танловлар на-фақат орасталиқни таъминламоқ-да, балки одамлар шўрида ҳам та-биати асраб-авайлашга бўлган му-носабатларни кенг шакллантиришга шариот яратаяпти.

Шундай бўлса-да, ўтмиш иллат-лари асоратидан хануз ҳулоса чиқар-маётган кишилар, ишлаб чиқариш қорхоналари ҳам йўқ эмас. Вилоят табиати муроҳаза қилиш қўимаси раиси Қаҳрамон Абдукаримовнинг таъкидлашича, экологик мусофо-лиқни таъминлаш ва бошқа юмуш-ларни рўёбга чиқариш мақсадида истиқболли режалар ишлаб чиқил-ган. Унга қўра ҳуқуқ-тартибот орган-лари, соғлиқни сақлаш бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси каби идоралар мутахассислари билан

ҳамкорлик қилинмоқда. Жорий йил-нинг ўзида 200 мартадан ортиқ тах-лил ва рейдлар ўтказилди. Ижобий силжишлар қўзга ташланаяпти, шу билан бирга қўнубузилишлар ҳам аниқланмоқда. Масалан, Сайхунбод ва Мирзабод туманларидаги айрим фермер хўжаликлари экин майдон-ларидан нотўғри фойдаланаётгани оқибатида тупроқ таркибидидаги хло-роген пестицидлар микдори ўтган йилгига нисбатан анча ортган.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланилмаганлиги боис бир неча ташкилотлардаги натижалар қўнги-лдагидек эмас. Шунингдек, Оқолтин, Хавос ва Сирдарё туманларида ўзо-бимчилик билан дарахтларни кесиб кетиш ҳоллари қайд этилди. Несо-нуний фаолият билан шуғулланган-лар ҳамда экология мусофоллигига зиён етказаяётганларга нисбатан амалдаги қўнлар доирасида чора-тадбирлар қўлланилди.

Табиатга етказилган зарар учун 31 нафар кишига 5825,4 минг сўмлик даъво қўлланилди. Шунингдек, 820 та қорхона ва ташкилотлар назорат-га олинди, 95 та ишлаб чиқариш қор-хонаси йўл қўйган қамчиликлари учун жаримага тортилди, — дейди су-ҳбатдошимиз.

Сирасини айтганда, табиатни му-саффо сақлаш ва уни борлигича ас-раш бўйича давлатимиз катта сай-ҳаракатлар қилапти. Бунинг учун салмоқли маблағ сарфланмоқда. Зеро, бу инсон саломатлигини му-ҳофазалашга ва ижтимоий масала-ларни ҳал этишга қаратилган муҳим йўналишлардан биридир. Бу бора-да юрдошларимиз ҳам масъулият-ни қўқурроқ ҳис этсалар қўзланган натижаларга эришади.

Абдуқасим ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Сирдарё вилояти

МИНСК БЕЛАРУС
ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ “Беларус”
ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА
ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақлиф этади.
Манзил: Тошкент ш., Брестская кўчаси, 11.
Тел: 281-40-33, 281-40-90, 281-40-75
KAMMAZ ARSENAL

Мевали ва манзарали дарахт қўчатлари керакми? Марҳамат!
Тошкент давлат ўрмон хўжалиги маблаг ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан қўйидаги қўчатларни сотади:
Игна баргли: можжевельник, эльдор қарағайи, қрим-қарағайи, тяншань оли;
Манзарали қўчатлар: эман (дуб), таштан, япон са-фораси, ясеня, клён, маҳжунтол, қўл, терек, қайин (берёза).
Мевали қўчатлар: олма, нок, гилос, беҳи, олхў-ри, ўрик ва бошқалар.
Қўчатлар қўпроқ микдорда олинганда ташкилот ўз автотранспортида жойига етказиб беради ва экишда амалий ёрдам қўрсатади.
Тел: 292-97-62, 292-99-06.

Арча қўчатлари ва асал сотилади!
“Шўрчидонмаҳсулотлари” АЖ ўз ҳудудидида етишти-рилган 20000 донга, бўйи 80 сантиметрдан 150 сан-тиметрга бўлган ўй ийлик можавельник арча қўчат-ларини, жамият омборхонасида сақланаётган 8 тонна тоза асал маҳсулотини сотади.
Тўлов — нақд ва пул ўтказиш йўли билан.
Манзил: Сурхондарё вилояти Шўрчи шаҳри Ун завод кўчаси 1-уй. Тел.: (8-376) 45-51-772, 45-54-572.

200 триллион километр нарида ҳаёт борми?

Чилидаги Жанубий Европа сарвасонаси олимлари ўз тадқиқотлари давомида "Gliese-581" юлдузи атрофида яшаш учун яроқли бир сайёра мавжудлигини аниқлади-лар. У Ердан 200 триллион километр узоқ-ликда жойлашган экан...

Шубҳасизки, инсоният азал-азалдан бир саволга жавоб тополмай келади. Ердан ташқарида ҳаёт борми? Иллар давомида билдирилган илмий фараз ва тахминлар муайян муддат ўтган, пуч-га чиқмоқда. Аммо бу галгиси анча жиддийга ўшаб кўринмоқда. Шу йил апрель ойида европалик астроном олимлардан бир гуруҳи само қарийда илк экзосайёра топилганини расман эълон қилишди. Ҳўш, экзосайёра де-гани нима ўзи?

Куёш тизимидан ташқарида жой-лашган сайёра экзосайёра деб атала-ди. Яъни, бу сайёранинг ўз қуёши бор. У ўз қуёши, Тароз юлдузлар турку-мига кирувчи "Пакана" юлдузи, яъни "Gliese-581" атрофида айланади. Кашф этилган сайёранинг салмоғи Ерникидан беш баробар, радиуси Ер-никидан 1,5 баробар катта. Ушбу ра-қамлардан маълум бўладики, янги са-мовий жисм шу пайтгача аниқланган экзосайёралар ичида энг кичкинаси-дир. Дарвоқе, шу кунларгача бундай-лардан 200 таси топилган ва уларнинг вази бири яшаб турган заминникидан юз маротабагача улкан.

Янги сайёранинг ўз юлдузигача бўлган масофаси 581 га, Ердан қуёш-гача бўлган масофадан 14 марта қин-роқ. Қўлингиз ҳисоб-китобларга кўра,

ушбу сайёрада сув бўлиши мумкин, де-ган тахмин айтилмоқ-да. Ҳатто, унинг юза-си тўласинча сув би-лан қопланган бўли-ши ҳам мумкин. Маъ-лумки, сув бор жой-да ҳаёт бор. Ердаги ҳаёт ҳам аслида сувдан пайдо бўлганлигини биламиз. Шу боисдан ҳам ушбу кашфиёт дунё олимлари ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлмоқда. Уларнинг айримлари аллақачон ушбу сайёрадан қанчон, қай тарзда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида бош қотиришга киришиб к-тишди.

Ҳамонки сув бор экан, сайёрада ат-мосфера ҳам бўлади. Акс ҳолда унда-ги сув қачонлардир тўласинча булга-ни кетган бўлар эди. Сирасини айт-ганда, олимлар қизил пакана юлдуз-ларга яқин сайёраларда ҳаёт бўлиши мумкинлиги ҳақида анчадан бунён га-пириб келишар эди. Қизил пакана юлдузлар, дегани биз яшаб турган Ерга мансуб бўлган Галактика (само бўшлиғида яна қанчадан-қанча гала-ктикалар борлигини ҳали ҳеч қим аниқ айтолган эмас)да энг кўп тарқалган само ёриткичларидандир. Яъни, Қуёш-га нисбатан яқин бўлган 100 та юл-

дуздан 80 таси ана шу тоифага кир-ади. "Gliese-581" ҳам шулар жумласи-дан. Бу юлдузнинг вази қуёшники-дан уч марта кичикроқ. Нур сочиш кучи эса 50 баравар паст.

Кашф этилган сайёра ўз юлдузидан 10 миллион километр узоқликда жой-лашган. Бу Ер билан Қуёш ўртасидаги масофадан 14 баробар яқинроқ демак-дир. Ундаги бир йил атиги 13 кеча-кундуздан иборат. Дарвоқе, унда кеча ва кундуз алмашинуви йўқ. Бу ҳақда сал кейинроқ. Ҳозир уни кашф этган олимлардан бири Стефан Удри фикр-лари билан танишайлик. "Ҳисоб-китобларимизга кўра, сайёра юзасида-ги ҳарорат 0 дан +40 даражагача. Де-мак, ундаги сув суюқ ҳолатда. Унда ташқари, юза қатлами тошлоқлардан ёки тўласинча сувлиқдан иборат..."

Яна бир олим Ксавьер Дельфос-сининг таъкидлашича, "Сувнинг суюқ ҳолатда эканлиги унда ҳаёт мавжуд бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди..."

Тахмин ва ҳақиқат



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат

Ўстирилган бугдой

Бугдойдан нафақат ун қилинади, балки қадим замонлардан бунён даво воситаси сифатида ҳам ишлатилиб к-лимоқда. Бугдой дони ўз таркибид-а қувват жамлаб туради, у ўса бошла-ши билан эса ундаги энергиянинг аж-ралиши содир бўлади. Демак, ўсиб к-лаётган бугдойни истеъмол қилиш билан биз табиат нисом этган энг за-рур озик моддага эга бўлар эканмиз.

Узоқ муддат давомида ўстирил-ган бугдой устида текширишлар олиб борган олимлардан бири Эни Вагмор шундай фикр билдирган: "20 йил давомида олиб борилган тек-шириш натижалари шуни кўрсатдики, ўсти-рилган бугдой ҳар қандай ёшдаги одамларга ихобий таъсир кўрсатади".

Яқинда эса ўстирилган бугдойнинг яна бир янги – ичакларда ҳосил бўлиб турадиган елимсимон зарарли ёпишқоқ моддаларни эритиш ҳамда рақ касаллигининг олдини олиш хусусияти аниқланди.

Шундай қилиб, ўстирилган бугдой ҳар қан-дай ёшдаги одамларда ҳаётий муҳим аъзо-ларнинг бир текис ва барқарор ишлашини, қайта тикланишини таъминлаш хусусиятига эга. Барча аъзолар иш фаолиятини барқарор-лаштириш ва ёшатириш. Ҳар хил ўсимта-лар (полиплар, фибромалар ва бошқа)нинг сўрилишига ёрдам беради. Қонни ксилород билан тўйинтириб, организмнинг ксилород

етишмовчилигига чидамлилигини оширади. Ҳар хил инфекция ва яллиғланишларни бар-тараф этиб, организмнинг соғуққа чидамли-лигини оширади. Организмдан ҳужайралар фаолияти натижасида пайдо бўлган зарарли моддалар, ортиқча холестерин ва бошқа мо-даларни чиқариб ташлайди.

Шунингдек, иммунитетни оширади, кўришни яхшилайди, яралар битишини тез-лаштириш, соч ўсишини тезлашти-ради. Юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди.

Ҳўш, шундай экан истеъмол этиш учун бугдойни ўстиришда нимага эъти-бор қилиш керак?

80-100 грамм бугдой олиниб, унинг яхши етилмаган ва синган донларни териб ташланади. 2-3 марта оқар сувда ювиб, 2-3 сантиметр қалинликда сирланган идиш-га тўшалади ва устки қатлами тегиб туради-ган даражада сув қуйилади. Унинг устидан доқа ёпиб, ҳаво ҳарорати 22 даражадан паст бўлмаслиги таъминланади. 24-30 соатдан сўнг бугдой ўзидан оқ ранг кичкина қуртак чиқа-ради. Ушбу қуртаклар 2-3 миллиметрга ет-гандан сўнг ўстирилган бугдой тайёр ҳолга келган ҳисобланади.

У гўшт қиймалагич ёки кофе майдалагич-да майдаланади. Уни чайнаб ёйиш ёки 1-1,5 стакан сув қўшиб аралаштирилган, сиқиб олинган "сути" истеъмол қилинади.

Манзура ШАМСИЕВА тайёрлади.

"KIA MOTORS"нинг Ўзбекистондаги расмий дилери "Sanar Motors" МЧЖ қуйидаги автомобиллари таклиф этади.

Optima 29 990 \$дан
Carenis 30 990 \$дан
Sportage 32 990 \$дан
Cerato 23 990 \$дан

Тошкент шаҳри, Х.Абдуллаев кўчаси, 54А. Мўлжал: метрнинг Буюк Иппа йўли бекати.
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975. www.kiamotors.com

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ	ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ўқтам БАРНОЕВ, Агитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграрно-иқтисодий комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибона - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-09-93.	ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси - 585-12-17, 223-57-53; Андижон - 224-99-13; Бухоро - 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий - 224-69-08; Наманган - 412-34-23; Фарғона - 224-81-69; Самарқанд - 222-29-97; Сурхондарё - 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё - 372-38-13; Тошкент - 100-29-61; Хоразм - 726-35-81; Қашқадарё - 227-65-42.	Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар ① - тижорат мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй			
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.			Газета сешанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.	Буюртма Г-1017, ҳажми 2 босма табоқ.	Офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2.	Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.50 Адади - 13166	Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.	"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Мазили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	2 3 4 5 6

Бу каби журъдли тахминларга қара-масдан янги сайёрага сафарга чиқиш ҳақида ўйлашга ҳали эрта шекилли. Чунки биринчидан, фараз ва тахмин-лар аниқроқ тадқиқотлар асосида янада равшанлаштирилиши зарур. Иккинчи-дан, унгача бўлган масофа 200 трил-лион километри ташкил этади. Қола-верса, янги сайёра деганларни аслида "Gliese-581" юлдузи юзасидаги оддий бир доғ бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Чунки гоҳида энг қудратли дурбинлар орқали кўриб, тахмин қилинган жисм-лар ҳам аслида йўқ нарсас бўлиб чиқи-ши мумкин.

Юқорида айтилганидек, сайёрада тун ва кун алмашинуви йўқ. Бунга са-баб унинг ўз ўқи атрофида айланиши юлдуз атрофида айланишига айнан мос келади. Демак, сайёранинг ярми-сида мунтазам кундуз, бошқа қисмида эса узлуқсиз тун ҳўш суради. Бу ҳам унда ҳаёт борлигини инкор этувчи ҳолатлардан биридир. Чунки турки мавжудот кун ва тун алмашуви йўқ ҳолда яшаш жуда қийин. Ундан таш-қари, йилнинг атиги 13 кун давом эти-ши, сайёранинг ўз юлдузи атрофида бир текис эмас, турлича узоқликда айланиши боис ҳароратнинг кескин алмашуви, ҳўллас, тирикчилик учун ҳалал берувчи жиҳатлар кўп.

Шунга қарамадан, дунё олимлари-нинг аксарияти янги сайёрада ҳаёт бор-лигига астойдил ишонмоқдалар. Бу ишонччи тасдиқлаш учун эса, шубҳа-сиз, ўша сайёрага космик кема жўна-тиш талаб этилади. Россиядаги Лебе-дев номи Физика институти Қуёш ти-зими сайёралар ва кичик жисмлар физикаси бўлими мудири Олег Кораб-левнинг айтишича, "Ҳозирча ундай кема-лар яратилгани йўқ ва қанчон яра-тилиши ҳам маълум эмас".

Нима бўлганда ҳам янги экзосайё-ранинг топилуви фанда катта воқеа бўлди. Ажабмаски, яқин орада унга кема учирши имкони вужудга келса.

А.ЖЕЛЕЗНЯКОВ

"Секретные материалы" газетасидан.

СПОРТ

Бокс

Аббос — жаҳон чемпиони

Чикаго шаҳрида ўтказилган ҳаваскор боксчилар ўртасидаги Жаҳон чемпио-нати якунига етди. Илгари хабар бериб ўтганимиздек, мусобақада ҳамюртла-римиздан омад юз ўғираётган эди.



Медалларга эғалик қилиш учун ягона боксчимиз — 81 килограмм вазн тоифасида Аб-бос Атоев ўз юришини да-вом эттирди. Бухоролик Аб-бос ўзига бил-дирилган ишонччи оқла-ди. Барча рақибларини енгган боксчимиз Жа-ҳон чемпиони деган шарафли номига сазовор бўлди. Дастлаб ярим финал баҳсида қозғи-сонлик спортчини мағлуб этган Аббос финал-да Россия вакили Артур Бетербиев билан тўқнаш келди. Рақибига биринчи ва иккинчи раундларда кетма-кет зарбалар бериб, учин-чи раундда ташаббусни бой берди. Бироқ ҳал қилувчи 4-раундда натижа ҳамюртимиз фой-дасига ҳал бўлди. Умумий ҳисоб — 20:17.

Эслатиб ўтамиз, ҳаваскор боксчилар ўрта-сидаги Жаҳон чемпионатида сўнгги бор 2001 йилда олтин медаль кўлга киритилган-ди. Ушунда Руслан Чагаев жаҳонда тенгсиз деб топилган.

Куни кеча Уэльс давлатининг Кар-дифф шаҳрида профессионал бокснинг иккинчи ўрта вази чемпионлик камар-ларини бирлаштирувчи жанг бўлиб ўтди. Унда енгилмас Жо Кальзаге (WBO чемпиони) WBC ва WBA камарлари со-ҳиби Миккел Кесслер билан мулқат че-пионлик учун бокс тушди.

Кальзаге — мутлақ ғолиб



Икки чемпион жанг-ни эҳтиёткор-лик руҳида бошлаш-ди. Ура-шувнинг ўрталари-га б о р и б Кальзаге рингдаги фаол ҳара-катлари эвазига та-шаббусни кўлга олди. Аниқ зарбалар оқиб-атида қатор очколарга эга бўлаётган Жо рақи-бининг ринг бўйлаб эркин ҳаракатланишига йўл қўймади. Сўнгги раундларда Кесслер ҳам кетма-кет иккилик ва учлик зарбалар йўллаш-га эришди. Аммо кеч бўлганди. Ҳакамларнинг ҳўлласига кўра, Жо Кальзаге иккинчи ўрта вазининг WBC, WBA ва WBO йўналиши камар-лари соҳибига айланди.

Воҳада "Машъал" кучли

Ўтган ҳафтада футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати-нинг Олий лига жамоалари навбатдаги 25-тур учрашув-ларида майдонга чиқишди. Ўз финишига яқинлашаётган чемпионат қизқаркли ўйинларга бой бўлмоқда.

Жумладан, турнинг марказий ўйинлари Муборак ва Наманган ша-ҳарларида ўтказилди. Воҳа дербиси деб ном олган "Машъал" — "На-саф" баҳси кўпчилигининг эътиборида бўлди. Мазкур ўйинда "Машъ-ал" футболчилари меҳмонларга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Виктор Клишиннинг "хет-триги" ва Шўхрат Мирҳолдиршоев голига Рўзқул Бердиев бир маротабагина жавоб беролди — 4:1.

"Навбахор" кўп минг сонли мухлислари олдида "Пахтакор" жамоа-сига ютқазиб қўйди. Ўйинда 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозongan "Пах-такор" чемпионликка яна бир қадам ташлади.

Турнинг қолган натижалари эса қуйидагича: "Бухоро" — "Шўртан" 1:0, "Самарқанд-Дина-мо" — "Тўпаланг" 1:1, "Трактор" — "Андижон" 3:1, "Металлург" — "Нефтичи" 1:2, "Локомотив" — "Вобкент" 0:0, "Қизилқум" — "Қурувчи" 0:2.

Тарих такрорланадими?

Аргентиналик Давид Налбандян Парижда ташкиллаштирилган "Мастерс" туркумига кирувчи теннис турнирида ғолиб бўлди. У финалда дунёнинг иккинчи рақамли теннис-чиси Рафаэль Надальни икки сетда мағлубиятга уч-ратди. Мазкур натижадан икки ҳафта олдин Мад-ридаги ҳудудда шу туркумдаги мусобақада ҳам Нал-бандян ғалаба қозongan-ди.

Эслатиб ўтамиз, че-пионлик ATP таснифида Давид 9-поғонадан жой олган. Бу ўрин аргенти-налик спортчиға Шан-хайда ўтадиган йилнинг ҳал қилувчи мусобақаси-да захира ўйинчиси си-фатида қатнашишини таъминлайди. Агарда асосий қатнашувчилар-дан кимдир жараҳат олса, Налбандян ўша спортчи ўрнини эғаллайди. 2005 йилда ҳудуд шундай ҳолда Энди Родик ўрнида ҳара-кат қилган теннисчи охи-роқибат йилнинг ҳал қилувчи мусобақасида чемпион бўлганди.



АТР МАСТЕРС СЕРИИ

олса, Налбандян ўша спортчи ўрнини эғаллайди. 2005 йилда ҳудуд шундай ҳолда Энди Родик ўрнида ҳара-кат қилган теннисчи охи-роқибат йилнинг ҳал қилувчи мусобақасида чемпион бўлганди.

Енгил атлетика

Россиялик спортчи Елена Исинбаева "Йил спортчиси" ун-вонига лойиқ қўрилди. Италия-нинг Милан шаҳрида Халқаро спорт йнгилишида топширилган ушбу мукофот Исинбаева учун қутилмаган ҳолат экан.

Хизматга яраша мукофот

Аммо кўпгина мутахассислар-нинг эътироф этишича, Елена ҳақиқатан ҳам сайёрамизнинг бу-гунги кундаги энг кучли спортчи-сидир.

Енгил атлетиканинг баландлик-ка таяниб сакраш тури бўйича 20 марта рекорд ўрнатган Елена бу йил "Олтин лига" мусобақалари-да 1 миллион долларлик муко-фотни югуриш бўйича чемпио-н Санъей Ричардс билан бўлишиб олганди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Автотранспорт — кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ДАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк қўтаралган фуғронлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усулда!

Махсўлотлар сертификатланган

6 ўринли, 1,5 тонна юк қўтарувчи, "ГАЗ-33023-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк қўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сўғимли сут ташин машинаси

"ГАЗ-3321" русумли 15 ўринли микроавтобус

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сўғимли сут ташин машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сўғимли сут ташин машинаси

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "SARA JLS" МЧЖ (ОКПО 192288280) Таъсис-чиларининг 05.11.07 йил-даги йиғилиши қарорига асосан жамият номи "BIOU PRODUKTION"га ўзгарти-рилди. Шунингдек, Таъсис-чилар йиғилиши қарорига асосан жамият низоми фон-ди 541703600 сўмдан 485444496 сўмга қайта-рилди. Даволаш 2 ой мо-байнида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Э.Мараи-мов кўчаси, 58-уй.

Тошкент Ирригация ва мелiorация институти жа-моаси "Сув ҳўжалигини ав-томатлаштириш ва механиз-ациялаш" факультети де-кани Баҳодир Мирзаевга па-дари буюрқовори

Сўюн МИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан кўчур таъзия илхор этади.

Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси жа-моаси уюшма қошидаги "AGRO-NEKTAR" шўба корхонаси директори Ибройим ЖўРАЕВнинг бевак вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чу-қур таъзия билдиради.